

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ТАДЖИЕВ КАРИМ МАРДАНАКУЛОВИЧ

**ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРДАН ЭРТАКИ ВА ЮҚОРИ ҲОСИЛ
ЕТИШТИРИШДА СТИМУЛЯТОРЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.08-Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Таджиев Карим Марданакулович

Такрорий экинлардан эртаки ва юқори ҳосил етиштиришда стимуляторларни қўллашнинг илмий-амалий асослари..... 3

Таджиев Карим Марданакулович

Научно-практические основы применения стимуляторов роста для получения раннего и высокого урожая повторных культур..... 25

Tadjiyev Karim Mardanakulovich

Scientific and practical basis of using stimulators in obtaining early and high yield of summer crops..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ТАДЖИЕВ КАРИМ МАРДАНАКУЛОВИЧ

**ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАРДАН ЭРТАКИ ВА ЮҚОРИ ҲОСИЛ
ЕТИШТИРИШДА СТИМУЛЯТОРЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.08-Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Qx77 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдуалимов Шухрат Хамадуллаевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Назаров Ренат Саидович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Сатилов Гаипназар Матвапаевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Бабоев Саидмурод Кимсанбаевич,
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «__» _____ 2022 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz.

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., профессор

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ер юзида глобал иқлимнинг ўзгариши, аҳоли сонининг доимий ортиб бориши ва саноатнинг ривожланиши ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ошишига олиб келмоқда. «Ҳозирги кунда дунё бўйича ғўза экиладиган майдон 32,7 млн га, кунгабоқар 28,4 млн га, соя 130,5 млн га, жўхори 41,8 млн гектарни ташкил қилиб, ғўзадан 26,5 млн тонна тола, кунгабоқардан 57,0 млн тонна уруғ, соядан 381,2 млн тонна, жўхоридан 66,3 млн тонна дон ҳосили олинган»¹. Кейинги йилларда ноқулай об-ҳаво шароитлари, сув танқислиги ва қурғоқчилик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда аҳолини озиқ-овқатга, саноатни хомашёга бўлган талабини қондиришда замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, деҳқончилик маданиятини ошириш, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун тупроқ унумдорлигини ошириш зарур ҳисобланади.

Маълумки, дуккакли-дон ва ем-хашак экинлари барча қишлоқ хўжалик экинлари учун энг яхши ўтмишдошдир. Дуккакли экинлар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш билан бирга аҳолини оқсил ва мойга бўлган талабини таъминлашга хизмат қилади. Бироқ, глобал иқлим ўзгариши натижасида кейинги йилларда об-ҳавонинг ноқулай келиши, сув танқислиги ва қурғоқчилик сабабли кузги буғдойдан кейин такрорий экилган экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда муаммолар юзага келмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этишда кузги буғдойдан кейин такрорий ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларини етиштиришда ўсишни созловчи моддаларни мақбул қўллаш муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш ҳам долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»²ги фармонида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш устувор йўналиш деб белгиланган. Ушбу вазифа бўйича қишлоқ хўжалиги экинларини жадал ўсишини таъминлаш, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда физиологик фаол моддаларни қўллаш технологияларини амалиётга жорий этишда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ноқулай об-ҳаво шароитлари, қурғоқчилик ва сув танқислиги экинлар ҳосилдорлигининг бир маромда ошишига салбий таъсир этмоқда. Шунинг учун кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда стимуляторларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда тупроқ

¹ <https://downloads.usda.library.cornell.edu/usda-esmis/files/5q47rn72z/08613p05b/3n205156j/production.pdf>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сонли фармони.

унумдорлигини сақлаш ва ерлардан унумли фойдаланиб, пахта толаси, озик-овқат ва ем-хашак етиштириш ҳажмини ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тўғрисида»ги фармони ва 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Кузги буғдойдан кейин такрорий экинларда физиологик фаол моддаларни қўллаш, абиотик ва биотик омилларнинг нојўя таъсирини камайтириш, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Icar-Indian Institute of Soybean Research (Ҳиндистон), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Agricultural Research Center a Comprehensive Agricultural Renaissance of New Egypt (Миср), National Institute of Agricultural Technology Argentina (Аргентина), Cotton Research and Application Center (Туркия), Cotton Research Institute (Миср), Cotton Research Institute Anyang Henan Province (Хитой), University of Agriculture Faisalabad (Покистон), Agricultural research Institute in the United States (АҚШ), Agriculture research institute in Bangladesh (Бангладеш) томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Гўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда стимуляторларни қўллаш технологияси бўйича дунёда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий янгиликлар олинган: экинлар уруғларига экишдан олдин стимуляторлар билан ишлов берилганда крахмал гидролизланиши, ферментлар фаоллиги ошиб ниҳолларни униб чиқиши тезлашиши, экинларни абиотик ва биотик стрессларнинг таъсирини юмшатиши, углерод ва азотли бирикмаларнинг кўпроқ ўзлаштирилиши, иммунитетининг ортиши, антиоксидант ферментларнинг фаоллашиши, паст ёки юқори ҳарорат, сув танқислиги ҳамда қурғоқчилик каби стрессларга чидамлилиги ортиши, ўсимликнинг нафас олиш жараёнларига ва сув таркибига фаол таъсир этиши, фотосинтезни жадаллаштириши, хужайра ширасидаги ионлар ҳаракати ва озика элементларини ўзлаштирилиши яхшиланиши, кузги буғдойдан кейин толали, мойли, дуккакли ва ем-хашак экинларини парваришлаш агротехникасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилиб муҳим натижаларга эришилган.

Ҳозирги кунда жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинлари ниҳолларини жадал униб чиқишини таъминлайдиган, атроф-муҳитнинг ноқулай шароитларига бардошлилигини оширадиган, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланишини яхшилайдиган, атроф-муҳитга салбий таъсир қилмайдиган, минерал элементларни ўсимликлар томонидан ўзлаштириши учун қулай шаклга айлантирадиган гумин таркибли препаратларини уруғларга экиш олдида ва ўсув даврларида мақбул қўллаш меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, чорвачиликни ем-хашак билан таъминлаш, фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш омилларини ишлаб чиқиш учун замин яратади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлар ғўза ва кузги буғдойда турли хил ўсишни соловчи моддаларни қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Бунда, ниҳолларнинг униб чиқиши 10-15% тезлашиб, касалликларга чидамлиги ортган, ўсиши ва ривожланиши тезлашган, ўсимликнинг курук массаси, барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги ортган, пахта ва дондан 15-20% юқори ҳосил олинган, тола ва дон сифати яхшилангани А.И.Имомалиев, Ю.В.Ракитин, К.Е.Овчаров, А.В.Благовещенский, М.Х.Чайлахян, А.Г.Генкель, А.У.Кариев, Г.С.Муромцев, В.И.Кефели, И.А.Умарова, В.В.Вакуленко, М.Т.Мухина, О.А.Шаповал, А.В.Алабушев, Н.Г.Гурский, И.А.Мельник, В.С.Шевелуха, У.Н.Мадраимов, А.А.Умаров, Ш.Х.Абдуалимов, У.Х.Ниязметов, Қ.А.Давронов, Ш.А.Каримов, Ф.А.Абдуллаевлар томонидан аниқланган. Хорижда А.А.Dunlop, Р.Т.Addicott, С.О.Miller, Н.Ј.Ureman, Y.Ogawa, P.Hedden, J.D.Metzger, H.F.Alios, J.D.Handerson, T.J.Kamprath, J.E.Harper, G.J.Rule, R.L.Vanderlip, H.E.Reeves, M.Kumar ва бошқалар томонидан ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларида стимуляторларни таъсири бўйича кенг қамровли тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин, Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси Сурхондарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларида стимуляторларни қўллашнинг илмий ва амалий асослари ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти мавзу режаси бўйича “Ўзбекистоннинг турли табиий тупроқ иқлим шароитларида янги ва районлаштирилган ғўза навларидан эртаги, юқори ва сифатли ҳосил олиш учун биостимуляторларни қўллашнинг манба тежовчи экологик хавфсиз технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзуси бўйича “Сурхондарё вилояти шароитида биостимуляторларни қўллаб такрорий экилган ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” (2006-2008), ҚХА-8-019-І.

“Гумимакс торфогуминли адоптоген, антидот, иммуностимуляторининг физиологик фаоллигини ғўза, ғалла ва кунгабоқарда ўрганиш ҳамда қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш” бўйича “Сурхондарё вилояти шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган кунгабоқар экинида Гумимакс стимуляторининг таъсирини ўрганиш” (2009-2011), МВ-ҚХ-А-ҚХ-2018-192 «Янги юқори унумли комбинацион техникалар ёрдамида ерга ишлов беришнинг тупроқ зичланишига таъсири ва ғўза, кузги буғдой, такрорий экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқиш» (2018-2019) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда стимуляторларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ерлардан унумли фойдаланиб, пахта толаси, озик-овқат ва ем-хашак етиштириш ҳажмини ошириш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий самарадорликка эришишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўзага Оксигумат стимуляторини қўллаш муддат ва меъёрларини ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига, қуруқ масса тўплашига, барг юзасининг ўзгаришига ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига, пахта ҳосилига, толанинг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

такрорий экилган кунгабоқардан эртаги, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда Гумимакс стимуляторининг ниҳоллар униб чиқишига, ўсиши ва ривожланишига, қуруқ масса тўплашига, барг юзасига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, уруғ ҳосили ва мойдорлигига таъсирини илмий асослаш;

кузги буғдойдан бўшаган далаларда такрорий соя ва жўхори экинлари етиштиришда экиш олдидан уруғига ва вегетация даврида ўсимликка Узгуми ва Маъсуда стимуляторларини қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда тупроқ унумдорлигини сақлаш, қўшимча озик-овқат ва ем-хашак етиштириш ҳажмини ошириш;

республикамиз шароитида такрорий экилган ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларини етиштиришда стимуляторларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти: Сурхондарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлари, ғўзанинг (*G. hirsutum*) Наманган 77 нави, кунгабоқарнинг (*Helianthus annuus* L.) Жаҳонгир нави, соянинг (*Glycine hispida* Max) Нафис нави, жўхорининг (*Sorghum* L. *cernum*) Қорабош нави, Оксигумат, Гумимакс, Узгуми, Маъсуда стимуляторлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети - ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, барг юзаси, қуруқ массаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, пахта, уруғ, дон ва поя ҳосили, озика бирлиги, илдиз ва анғиз қолдиғи, маҳсулот сифати ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибалари, лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлар ва ҳисоблашлар «Дала тажрибаларини ўтказиш

услуглари», «Методы агрохимических агрофизических и микробиологических исследования в поливных хлопковых районах», «Методы агрохимических анализов почв и растений» услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Тажрибаларда олинган маълумотларга математик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспехов усулида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси Сурхондарё вилояти ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларида стимуляторларни қўллашнинг мақбул муддат ва меъёрлари илмий асосланган;

кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўзага Оксигумат стимулятори билан шоналаш даврида 0,5 л/га, гуллаш даврида 0,5 л/га меъёрларда ишлов берилганда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, фотосинтетик фаолияти яхшиланиб, пахтадан 19,1 ц/га ҳосил олинган ва юқори, сифатли тола етиштиришга эришилган;

такрорий кунгабоқардан эртаки ва юқори ҳосил етиштиришда Гумимакс стимуляторини уруғга 0,75 л/т, 3-4 жуфт барг даврида 0,4 л/га меъёрида ишлов беришнинг ниҳоллар униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, уруғ ҳосили ва мойдорлигига ижобий таъсири илмий-амалий асосланган;

такрорий экилган соя ва жўхори уруғига экиш олдида ва амал даврида Узгуми ва Маъсуда стимуляторларини қўллаш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда соядан 20,2-21,1 ц/га дон ва 21,3-22,7 ц/га поя ҳосили, жўхоридан 20,8 - 21,6 ц/га дон ва 123,4-128,5 ц/га поя ҳосили етиштирилган ҳолда 23,4-27,9 ц/га илдиз-анғиз қолдириб, тупроқ унумдорлиги яхшилانган;

кузги буғдойдан бўшаган далаларга такрорий ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларини етиштиришда стимуляторларни қўллаш иқтисодий самарали эканлиги аниқланган ва гектаридан 0,5-2,0 млн сўм фойда олиниб, қўшимча пахта толаси, озиқ-овқат, ем-хашак етиштиришга эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Республикаимизнинг жанубий минтақаси Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўзага Оксигумат стимулятори билан шоналаш даврида 0,5 л/га ва гуллаш даврида 0,5 л/га меъёрда ишлов берилганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, пахта ҳосили 3,1 ц/га ортган;

Гумимакс стимулятори кунгабоқар уруғига экишдан олдин 0,75 л/т ва 3-4 жуфт барг даврда 0,4 л/га меъёрда қўлланганда униб чиқиши 14,1% тезлашиб, 1-2 кунга эртароқ униб чиққан, ўсимлик бўйи 143,8 см, барглар сони 23,8 дона, уруғ ҳосили 19,7 ц/га ва мойдорлиги 48,6% ни ташкил этган;

соя уруғига Узгуми стимулятори билан 0,6 л/т, 3-5 барг даврида 0,2 л/га, шоналашда 0,3 л/га ва гуллашда 0,4 л/га, Маъсуда стимулятори билан 3,0 л/т, 3-5 барг даврида 6,0 л/га, шоналашда 9,0 л/га меъёрларда қўлланганда ниҳоллар униб чиқиши 5,2-6,8% тезлашган, 1-2 кунга эртароқ униб чиққан,

ўсимлик бўйи 1,5-7,8 см баланд бўлган, фотосинтез соф маҳсулдорлиги суткасига 0,05-0,13 г/м² ортган, натижада кўшимча 3,1-4,0 ц/га дон ва 1,2-2,6 ц/га поя ҳосили олинган ҳамда рентабеллик даражаси 24,0-31,8% га ортган;

кузги буғдойдан кейин такрорий экилган жўхори уруғига Узгуми стимулятори билан 0,6 л/т, майсалашда 0,2 л/га, найчалашда 0,3 л/га, рўвакларда 0,4 л/га меъёрларда ва Маъсуда стимулятори билан уруғга 3,0 л/т, майсалашда 6,0 л/га, найчалашда 9,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, фотосинтез жараёнлари жадаллашган, дон ва поя ҳосили 2,2-7,3 ц/га ортган ҳамда иқтисодий самарадорликка эришилиб, рентабеллик даражаси 8,8-18,7% ортган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар умум эътироф этилган услубий қўлланмаларга мувофиқ ўтказилганлиги, олинган маълумотларга математик ишлов берилганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар етакчи мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда кенг жорий этилганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Республикамиз жанубий минтақаси Сурхондарё вилояти ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларида стимуляторларни мақбул қўллаш орқали ниҳолларнинг униб чиқиши, ўсиш-ривожланиши жадаллашгани, ҳосил миқдори ва унинг сифати ортгани кўп йиллик тадқиқотларда исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўзага Оксигумат, кунгабоқарга Гумимакс, соя ва жўхорида Узгуми ва Маъсуда стимуляторлари билан мақбул муддат ва меъёрларда ишлов берилганда юқори ва сифатли ҳосил етиштирилиб, иқтисодий самарадорликка эришилган ҳамда ишлаб чиқаришга тавсиялар берилиб, амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикамиз жануби Сурхондарё вилояти шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларини етиштиришда стимуляторларни қўллашнинг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Сурхондарё вилоятида такрорий ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда стимуляторларни қўллаш бўйича тавсиялар», «Республикамиз жанубида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган соя ва кунгабоқарда

стимуляторларни қўллаш бўйича тавсиялар», «Кузги буғдойдан кейин такрорий экилган жўхори экиннда стимуляторларни қўллаш бўйича тавсиялар» тасдиқланган (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 20 май №07/25-04/3211-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсияномалар кузги буғдойдан кейин такрорий экинларни етиштиришда фермер хўжаликлари ва агрокластерларда қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда;

Сурхондарё вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўзага Оксигумат стимуляторини қўллаш Термиз туманида 128,0 га майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 20 май №07/25-04/3211-сон маълумотномаси). Натижада, такрорий ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, кўсаклари 2-3 кун эртаги очилган ва 19,4-20,0 ц/га пахта ҳосили етиштиришга эришилган;

такрорий экилган кунгабоқарда Гумимакс стимуляторини қўллаш Денов туманида 25,0 га, Музробод туманида 8,7 га майдонга, жами 33,7 га майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 20 май №07/25-04/3211-сон маълумотномаси). Натижада, кунгабоқарни униб чиқиши 9,5-10,4% тезлашиб, бўйи 5,5-6,0 см баланд ўсиб, гуллаши 8-10 % тезлашиб, 18,0-20,0 ц/га уруғ ҳосили олинган ва рентабеллик даражаси 36,2% ни ташкил этган;

такрорий экилган соя ва жўхорида Узгуми ва Маъсуда стимуляторларини қўллаш технологияси Қизириқ туманида 20,0 га, Денов туманида 120,6 га, жами 140,6 га майдонга жорий қилинган (Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 20 май №07/25-04/3211-сон маълумотномаси). Кузги буғдойдан кейин экилган соядан 20,2-21,1 ц/га дон ҳосили, 21,3-22,7ц/га поя ҳосили олинган ва мой миқдори 1,1-2,6%, оқсил миқдори 1,6-3,4% ортган, жўхоридан эса 21,1-21,9 ц/га дон ҳосили, 123,4-128,5 ц/га поя ҳосили етиштирилиб, дон таркибидаги оқсил миқдори 0,7%, крахмал миқдори 2,7-4,5% ортиб, 11,3% рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория тажрибалари Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти томонидан ташкил этилган махсус комиссия томонидан апробациядан ўтказилиб, яхши ва аъло баҳоланган, йиллик ҳисоботлар институтнинг услубий кенгашларида муҳокама қилинган, диссертация ишининг асосий натижалари бўйича Республика ва халқаро илмий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар, шундан, журналларда 11 та, жумладан 1 таси чет элда, халқаро ва республика конференция тўпламларида 5 та илмий мақолалар ҳамда 3 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 7 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб,

диссертациянинг ҳажми 200 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қишлоқ хўжалиги экинларида стимуляторларни қўллаш бўйича адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида ўсишни соловчи моддаларни ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплаши ва моддалар алмашинувига таъсири, кунгабоқар экинида стимуляторларни қўллаш бўйича адабиётлар таҳлили, соя етиштиришда физиологик фаол моддаларнинг таъсири, жўхорида стимуляторлар қўллашнинг дон ва поя ҳосилига таъсири бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлил қилинган ва мавзу бўйича илмий манбалар, интернет маълумотлари, тадқиқотчиларнинг илмий ишлари натижалари кенг ёритилган. Ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларига ўсишни соловчи моддалар билан ишлов беришнинг ниҳоллар униб чиқишига, ўсиши-ривожланишига, ноқулай об-ҳаво шароитларига, абиотик ва биотик стресс омилларга, касалликларга бардошлигини ошириши, физиологик жараёнларни жадаллаштириши, ҳосилдорликни ошириши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши бўйича маълумотлар келтирилган. Республикаимизнинг жанубий вилоятларида кузги буғдойдан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида ғўза, кунгабоқар, шоли, картошка, сабзавот, поллиз, дуккакли-дон, маккажўхори ва бошқа экинларни экиш ҳамда ҳосил етиштириш имкониятлари баён қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот услублари, тажриба даласида ўтказилган агротехник тадбирлар, қўлланилган стимуляторларнинг тавсифи, тажрибада ўрганилган ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори навлари тавсифи баён этилган.

Тажрибалар Сурхондарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида ПСУЕАИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станцияси далаларида 2006-2008 йилларда “Ўзбекистоннинг турли табиий тупроқ иқлим шароитларида янги ва районлаштирилган ғўза навларидан эртаги, юқори ва сифатли ҳосил олиш учун биостимуляторларни қўллашнинг манба тежовчи экологик хавфсиз технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзуси бўйича “Сурхондарё вилояти шароитида биостимуляторларни қўллаб такрорий экилган ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш”, 2009-2011 йилларда “Гумимакс торфогуминли адоптоген, антидот, иммуностимуляторининг

физиологик фаоллигини ғўза, ғалла ва кунгабоқарда ўрганиш ҳамда қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш» бўйича «Сурхондарё вилояти шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган кунгабоқар экинида Гумимакс стимуляторининг таъсирини ўрганиш», 2018-2019 йилларда «Янги юқори унумли комбинацион техникалар ёрдамида ерга ишлов беришнинг тупроқ зичланишига таъсири ва ғўза, кузги буғдой, такрорий экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқиш» бўйича тажрибалар ўтказилган. Тажриба даласи тупроғи шўрланмаган, сизот сувлари 1,5-2,0 м чуқурликда жойлашган, нитратли азот ва гумус билан кам таъминланган, механик таркибига кўра, оғир соз ва ўртача микроструктурали тупроқ ҳисобланади. Тупроқнинг ҳайдов 0-30 см қатламида гумус миқдори 0,669-0,779%, умумий азот 0,059-0,070%, фосфор 0,124-0,135%, ҳаракатчан шаклдаги азот 15,25-19,25 мг/кг, фосфор 11,2-13,8 мг/кг, алмашувчан калий 120-125 мг/кг бўлса, тупроқнинг ҳайдов ости 30-50 см қатламида гумус 0,597-0,707%, умумий шаклдаги азот 0,054-0,065%, фосфор 0,100-0,110%, нитратли азот 10,0-15,5 мг/кг, фосфор 10,0-12,0 мг/кг, алмашувчан калий 110-125 мг/кг ни ташкил этган.

Тажриба ўтказилган 2006-2019 йиллардаги об-ҳаво шароити ўртача кўп йиллик маълумотларига яқин бўлган ҳолда июнь ойида ўртача ҳаво ҳарорати 26,5-32,0 °С, нисбий намлиги 27-41%, июль ойида ҳаво ҳарорати 27,9-33,5 °С, нисбий намлиги 22-36%, август ойида ҳаво ҳарорати 25,6-32,5 °С, нисбий намлиги 27-43%, сентябрь ойида ҳаво ҳарорати 18,2-26,9 °С, нисбий намлиги 32-46%, октябрь ойида ҳаво ҳарорати 12,4-21,9 °С, нисбий намлиги 34-52%ни ташкил қилган.

Таъкидлаш лозимки, 2019 йил ҳавонинг нисбий намлиги янада пасайиб, гармсел шамоллари 25-30 кун давом этган. Бу эса такрорий экинларнинг ўсиши-ривожланишига ўзига хос салбий таъсир кўрсатиб, стимуляторларнинг ижобий таъсирини баҳолаш имконини берган.

Тажрибаларда ғўзанинг ўрта толали Наманган-77 нави, кунгабоқарнинг Жаҳонгир, соянинг Нафис ва жўхорининг Қорабош навлари экилган бўлса, гумин асосли Оксигумат, Гумимакс, Узгуми ҳамда таркиби NPK, гумин ва фолий кислоталари бўлган Маъсуда стимуляторларидан фойдаланилган.


Диссертациянинг «**Такрорий экилган ғўзада Оксигумат стимуляторини қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврларида Оксигумат стимуляторини қўллаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари баён этилган.

Такрорий экилган ғўзага Оксигумат стимулятори билан ишлов берилганда ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилган. Масалан, Оксигумат стимулятори билан ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврларида 0,25 л/га меъёрида ишлов берилганда амал даври 95 кун, Оксигуматнинг 0,5 л/га меъёрида 93 кун, Оксигуматнинг 0,75 л/га меъёрида 94 кунга тенг бўлиб, назоратга (97 кун) нисбатан 2-4 кун эртароқ пишиб етилган.

Кузги буғдойдан кейин экилган ғўзанинг бўйи ўсув даври охирида Оксигумат билан шоналашда 0,5 л/га ва гуллаш даврида 0,5 л/га меъёрда ишлов берилганда 76,5 см, ҳосил шохлари 11,3 дона, ҳосил элементлари 14,1 дона, кўсаклар сони 7,0 дона, шундан очилгани 4,2 дона бўлиб, назорат вариантдан бўйи 14,1 см баланд, ҳосил шохлари 1,8, ҳосил элементлари 2,8, кўсаклар сони 0,5, шундан очилгани 0,8 донага ортганлиги кузатилган.

Оксигумат стимулятори ғўзанинг қуруқ массасига ижобий таъсир кўрсатган ҳолда барг массаси 14,6-15,3 г, пояси 18,1-18,9 г, чаноқ массаси 14,5-15,3 г, пахта вазни 21,1-22,7 г ва жами бир ўсимлик қуруқ массаси 68,3-72,2 г ни ташкил этиб, назоратдан барг массаси 1,7-2,0 г, поя 1,9-2,3 г, чаноқ 1,4-2,0 г, пахта вазни 2,6-3,6 г оғирроқ бўлгани ва бир ўсимлик ҳисобида жами қуруқ массаси 7,5-9,9 г ортгани аниқланган (1-расм).

Ғўзанинг ривожланиш даври давомида Оксигумат стимулятори унинг фотосинтетик фаолиятига ҳам ўзига хос таъсир этиб, барг сони, вазни ва юзасининг ортиши натижасида шоналаш, гуллаш ва пишиш даврларида фотосинтез соф маҳсулдорлигининг ортгани кузатилган. Жумладан, ғўзанинг пишиш даврида бир ўсимликдаги барглар сони 1,8-3,6 дона, вазни 3,9-7,4 г, барг юзаси 198,2-380,5 см² ошиб, фотосинтез соф маҳсулдорлиги суткасига 0,01-0,92 г/м² юқори бўлган.



1-расм. Такрорий экилган ғўзанинг қуруқ массасига Оксигумат стимуляторининг таъсири (2006-2008 йй.)

Кузги буғдойдан кейин экилган ғўзанинг шоналаш ва гуллаш даврларида Оксигумат стимулятори билан ишлов берилганда бир кўсакдаги пахта вазни 3,1-3,2 г ташкил қилиб, назоратдан 0,2-0,3 г оғирроқ бўлган.

Кузги буғдойдан бўшаган далаларга такрорий экилган ғўзага Оксигумат стимулятори билан шоналаш даврида 0,25 л/га ва гуллаш даврида 0,25 л/га меъёрларда ишлов берилганда 18,3 ц/га, Оксигуматнинг 0,5 л/га меъёрида 19,1 ц/га ва Оксигуматнинг 0,75 л/га меъёрида 18,1 ц/га пахта ҳосили олиниб, назоратга нисбатан 2,1-3,1 ц/га юқори ҳосил етиштирилган.

Кузги буғдойдан кейин экилган ғўзанинг пахта толаси сифатига Оксигумат стимулятори ижобий таъсир қилган ҳолда тола узунлиги 0,1-0,5 мм, нисбий узилиш кучи 0,2-0,4 гк/тексга яхшилангани аниқланган.

Диссертациянинг «**Такрорий экилган кунгабоқарга Гумимакс стимуляторини қўллаш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган кунгабоқар уруғига экиш олдида ва амал

даврида ўсимликка Гумимакс стимулятори турли меъёрларда қўлланганда унинг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, куруқ массаси, барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, уруғ ҳосили ва мойдорлигига таъсири бўйича маълумотлар баён қилинган.

Кузги буғдойдан кейин экилган кунгабоқар уруғининг униб чиқиши назорат вариантыда 70,9%, Натрий гумат 0,8 кг/т қўлланганда 80,2% бўлса, Гумимакс стимулятори 0,5 л/т меъёрида қўлланганда 82,0-82,6%, 0,75 л/т меъёрида 84,1-85,0%, 1,0 л/т меъёрида 81,6-82,4% ни ташкил этиб, назоратдан 10,7-14,1% юқори бўлгани ёки 1-2 кун эртароқ униб чиққани аниқланган (2-расм).



2-расм. Такрорий экилган кунгабоқарнинг униб чиқишига Гумимакс стимуляторининг таъсири, % ҳисобида (2009-2011 йй.)

Гумимакс стимулятори такрорий экилган кунгабоқарнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилган ҳолда вегетация даври 113-116 кунни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1-4 кун эртароқ пишиб етилгани аниқланган.

Гумимакс стимулятори кунгабоқарни экиш олдидан 0,5-1,0 л/т ва ўсув даврида 0,4 л/га меъёрларда қўлланганда бўйи 137,8-143,8 см, барглар сони 20,0-23,8 донага тенг бўлиб, назорат вариантыдан бўйи 7,9-13,9 см, барглар сони 0,2-4,0 донага ортганлиги кузатилган.

Такрорий экилган кунгабоқарни куруқ массасига Гумимакс стимулятори ижобий таъсир қилган ҳолда жами бир ўсимлик куруқ массаси 183,4-231,4 г ни ташкил этиб, назоратдан 15,7-63,7 г оғирроқ бўлгани аниқланган.

Кунгабоқарга Гумимакс стимулятори билан ишлов берилганда унинг фотосинтетик фаолиятига ижобий таъсир этиб, барг сони, вазни ва юзасининг ортиши натижасида фотосинтез соф маҳсулдорлиги ортгани кузатилган. Жумладан, кунгабоқарнинг пишиш даврида бир ўсимликдаги барглар сони 17,2-19,3 дона, вазни 49,2-61,2 г, юзаси 2074,8-2386,3 см², фотосинтез соф маҳсулдорлиги суткасига 1,67-2,07 г/м² ни ташкил этиб, назоратдан барг сони 1,2-3,4 дона, вазни 6,3-9,2 г, барг юзаси 282,0-593,5 см², фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,40-0,80 г/м² юқори бўлгани қайд этилган.

Такрорий экилган кунгабоқарга Гумимакс стимулятори қўлланганда саватча диаметри 14,0-14,7 см, саватчадаги уруғлар сони 1184,3-1255,3 дона, 1000 дона уруғ вазни 46,6-48,9 г ни ташкил этиб, назоратдаги кўрсаткичлардан саватча диаметри 1,0-1,8 см, уруғлар сони 133,3-204,3 донага ортган ва 1000 дона уруғ вазни 1,13-3,43 г оғирроқ бўлган.

Такрорий экилган кунгабоқарга Гумимакс стимулятори билан ишлов берилганда 17,8-19,7 ц/га уруғ ҳосили олинган ҳолда мойдорлиги 46,4-48,6% ни ташкил этган.

Диссертациянинг «**Республикамиз жанубида такрорий экилган сояга стимуляторларни қўллаш муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобида такрорий экилган соянинг униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, ўсимликнинг қуруқ массаси, барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, дон ва поя ҳосили, сифат кўрсаткичлари бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Маълумки, соя бошқа дуккакли экинлар сингари тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли тажрибада соянинг ўсув даври охирида тупроқдаги озика моддалар миқдорлари аниқланган. Бунда, тажрибанинг назорат вариантыда 0-30 см тупроқ қатламида ҳаракатчан шаклдаги азот 22,4, фосфор 13,9, калий 145 мг/кг, ҳайдов ости 30-50 см қатламда азот 15,5, фосфор 12,0, калий 118 мг/кг ни ташкил этган бўлса, Узгуми стимулятори билан уруғга 0,6-0,7 л/т, 3-5 барг даврида 0,2 л/га, шоналашда 0,3 л/га ва гуллашда 0,4 л/га меъёрларда ишлов берилган вариантларда 0-30 см тупроқ қатламида ҳаракатчан шаклдаги азот 22,5-22,8, фосфор 14,5-14,9, калий 146-154 мг/кг, ҳайдов ости қатламида азот 15,5-15,6, фосфор 12,0-12,1, калий 122-125 мг/кг, Маъсуда стимулятори билан уруғга 2,0-4,0 л/т, 3-5 барг даврида 6,0 л/га, шоналашда 9,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда тупроқнинг ҳайдов 0-30 см қатламида ҳаракатчан шаклдаги азот 22,5-22,9, фосфор 14,0-14,2, калий 141-145 мг/кг, ҳайдов ости 30-50 см қатламида ҳаракатчан азот 15,5-15,6, фосфор 12,0-12,1, калий 120-125 мг/кг бўлган ҳолда Узгуми ва Маъсуда стимуляторлари тупроқдаги ҳаракатчан шаклдаги азот, фосфор ва калий миқдорлари ортишига ҳамда унумдорлиги сақланишига ижобий таъсир этгани аниқланган.

Соянинг уруғларига Узгуми стимулятори билан экиш олдидан 0,6-0,7 л/т меъёрларда ишлов берилганда унумдорлиги 66,8-67,8%, Маъсуда стимуляторининг 2,0-4,0 л/т меъёрларида 64,5-65,9% ни ташкил қилган ва назоратдан Узгумида 6,1-6,8%, Маъсуда стимуляторида 3,8-5,2% ортиб, ниҳоллар униб чиқиши 1-2 кунга тезлашган. Шунингдек, Узгуми ва Маъсуда стимуляторлари билан вегетация даврида ишлов берилганда такрорий экилган соянинг ўсув даври 104 кунни ташкил қилиб, назоратга нисбатан 4 кунга эртароқ пишиб етилган.


Такрорий экилган соянинг ўсув даври охирида назорат вариантыда бўйи 55,2 см, дуккаклар сони 32,8 дона, Узгуми стимулятори билан ишлов берилганда бўйи 56,6-57,7 см, дуккаклар сони 34,6-35,3 дона, Маъсуда стимулятори билан ишлов берилганда эса бўйи 56,0-56,7 см, дуккаклар сони 34,4-35,0 донага тенг бўлиб, назоратга нисбатан Узгумида бўйи 1,4-2,5 см, дуккаклар сони 1,8-2,5 дона, Маъсуда стимуляторида бўйи 0,8-1,5 см, дуккаклар сони 1,6-2,2 донага ортганлиги аниқланган.

Кузги буғдойдан кейин такрорий экилган соянинг қуруқ массаси пишиш даврида назорат вариантыда 22,3 г, Узгумида 23,9-25,2 г, Маъсуда стимуляторида 23,2-24,1 г бўлган ёки Узгумида 1,6-2,9 г, Маъсуда стимуляторида 0,9-1,8 г кўпроқ биомасса тўпланган.

Тажрибада соянинг барг юзасига Узгуми ва Маъсуда стимуляторлари ижобий таъсир қилган ҳолда гуллаш даврида назорат вариантыда бир ўсимликда 1059,6 см² бўлса, Узгумида 1110,5-1151,2 см², Маъсуда стимуляторида 1095,2-1112,4 см² ни ташкил қилиб, 35,6-91,6 см² кўпроқ бўлганлиги аниқланган.

Такрорий соянинг фотосинтез соф маҳсулдорлиги гуллаш даврида суткасига 1,27-1,48 г/м² ни ташкил қилиб, Узгуми ва Маъсуда стимуляторлари билан ишлов берилганда бу кўрсаткич 0,07-0,21 г/м² юқори бўлган ва шунга ўхшаш қонуниятлар соянинг пишиш даврида ҳам кузатилган.

Тажрибанинг назорат вариантыда такрорий экилган соянинг дон ҳосили 17,1 ц/га ва поя ҳосили 20,1 ц/га бўлган ҳолда Узгуми стимулятори билан ишлов берилганда дон ҳосили 20,1-21,1 ц/га ва поя ҳосили 21,5-22,7 ц/га, Маъсуда стимуляторида дон ҳосили 19,3-20,2 ц/га ва поя ҳосили 20,5-21,3 ц/га ни ташкил қилган. Бунда, Узгуми стимулятори қўлланганда дон ҳосили 3,0-4,0 ц/га, поя ҳосили 1,4-2,6 ц/га, Маъсуда стимуляторида эса дон ҳосили 2,2-3,1 ц/га ва поя ҳосили 0,4-1,2 ц/га юқори бўлган (3-расм).



3-расм. Такрорий экилган соянинг дон ва поя ҳосили, ц/га (2017-2019 йй.)

Маълумки, соя донида кўп миқдорда оқсил ва мой тўпланади, бу унинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамиятини янада оширади. Шу сабабли тажрибада такрорий экилган сояга стимуляторлар билан ишлов берилганда дон таркибидаги оқсил ва мой миқдорлари аниқланган.

Таҳлил натижаларига кўра, назорат вариантыда дон таркибидаги мой миқдори 20,3%, оқсил 35,7% бўлса, Узгуми стимулятори билан ишлов берилганда мой миқдори 21,3-22,9%, оқсил 38,3-39,1%, Маъсуда стимуляторида мой миқдори 20,8-21,4%, оқсил 36,7-37,3% ни ташкил этиб, Узгумида мой миқдори 1,0-2,6% ва оқсил 2,6-3,4%, Маъсуда стимуляторида мой миқдори 0,5-1,1% ва оқсил 1,0-1,6% ошганлиги аниқланган.

Тажрибада соя донининг озиқа бирлиги ва протеин миқдорлари ҳам аниқланган бўлиб, назорат варианты дон ҳосили озиқа бирлиги 2365,5 кг/га, осон ҳазм бўладиган протеин миқдори 496,9 кг/га бўлса, Узгуми стимулятори билан ишлов берилганда дон ҳосили озиқа бирлиги 2767,6-2911,0 кг/га, осон

ҳазм бўладиган протеин миқдори 581,9-611,9 кг/га, Маъсуда стимуляторида дон ҳосили озика бирлиги 2663,0-2786,2 кг/га, осон ҳазм бўладиган протеин миқдори 559,7-585,8 кг/га ни ташкил қилган ёки назоратдан юқорироқ натижаларга эришилган.

Тажрибада такрорий экилган соянинг илдиз ва анғиз қолдиқлари ҳам аниқланган бўлиб, назорат вариантыда анғиз қолдиғи 0,9 ц/га, илдиз қолдиғи 18,6 ц/га, жами 19,5 ц/га, Узгуми стимулятори билан уруғга экиш олдидан 0,6-0,7 л/т ва 3-5 барг даврида 0,2 л/га, шоналаш даврида 0,3 л/га, гуллаш даврида 0,4 л/га меъёрларда ишлов берилганда анғиз қолдиғи 1,1-1,3 ц/га, илдиз қолдиғи 20,4-22,1 ц/га, жами 21,5-23,4 ц/га, Маъсуда стимулятори билан уруғга экиш олдидан 2,0-4,0 л/т ва 3-5 барг даврида 6,0 л/га, шоналашда 9,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда анғиз қолдиғи 0,9-1,1 ц/га, илдиз қолдиғи эса 19,4-20,7 ц/га, жами 20,3-21,8 ц/га ёки Узгуми ва Маъсуда стимуляторлари билан ишлов берилган вариантларда 0,8-3,9 ц/га кўпроқ илдиз ва анғиз қолгани аниқланган.

Диссертациянинг «**Такрорий экилган жўхоридан эртаки ва юқори ҳосил етиштиришда стимуляторларни қўллаш**» деб номланган олтинчи бобида кузги буғдойдан кейин экилган жўхорига Узгуми ва Маъсуда стимуляторлари билан ишлов берилганда ниҳоллар униб чиқиши, ўсиши, ривожланиши, қуруқ массаси, барг юзаси, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, дон ва поя ҳосили, илдиз ва анғиз қолдиқлари тўғрисида баён этилган.

Кузги буғдойдан кейин жўхори уруғини экиш олдидан Узгуми билан 0,6-0,7 л/т ва Маъсуда стимулятори билан 2,0-4,0 л/т меъёрларда ишлов бериш самарадорлиги ўрганилган тажрибанинг назорат вариантыда ниҳоллар униб чиқиши 56,5% ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич Узгумида 61,8-62,1%, Маъсуда стимуляторида 60,6-61,4% ёки назоратга нисбатан 4,1-4,9% юқори эканлиги аниқланган.

Такрорий экилган жўхорининг пишиш даврида бўйи назорат вариантыда 207,2 см, барглар сони 9,6 дона, Узгуми стимулятори билан уруғига экиш олдидан 0,6-0,7 л/т, майсалашда 0,2 л/га, найчалашда 0,3 л/га ва рўваклашда 0,4 л/га меъёрларда ишлов берилган вариантларда ўсимлик бўйи 211,5-221,9 см, барглар сони 10,8-11,1 дона, Маъсуда стимулятори жўхори уруғига 2,0-4,0 л/т, майсалашда 6,0 л/га ва найчалашда 9,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда бўйи 207,5-217,9 см, барглар сони 10,3-11,0 донани ташкил қилган ҳолда стимуляторлар қўлланганда жўхорининг бўйи 0,3-14,7 см баланд, барглар сони 0,7-1,6 донага кўпроқ шакллангани кузатилган.

Такрорий экилган жўхорига стимуляторлар билан ишлов берилганда пишиш давридаги бир ўсимлик барг юзаси назорат вариантыда 281,6 см² бўлса, Узгуми стимуляторида 303,4-317,5 см², Маъсуда стимуляторида 298,0-306,7 см² бўлган ҳолда Узгумида 21,8-35,9 см², Маъсуда стимуляторида 16,4-25,1 см² юқори бўлгани аниқланган.

Кузги буғдойдан кейин экилган жўхорини қуруқ массаси назорат вариантыда бир ўсимлик ҳисобида 71,6 г, Узгуми стимулятори билан ишлов берилганда эса 77,3-81,6 г, Маъсуда стимулятори қўлланганда 75,9-78,4 г

эканлиги, яъни назоратдан Узгумида 5,7-10,0 г, Маъсуда стимуляторида 4,3-6,8 г кўпроқ куруқ масса тўплангани қайд этилган.

Тажрибада жўхорининг гуллаш-пишиш даврларидаги фотосинтез соф маҳсулдорлиги назорат вариантыда суткасига 2,04 г/м², Узгуми стимуляторида 2,13-2,22 г/м², Маъсуда стимуляторида 2,17-2,33 г/м² ни ташкил қилган ва стимуляторлар қўлланилиши натижасида фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,09-0,29 г/м² ошган ҳамда фотосинтез жараёни жадаллашган.

Кузги буғдойдан кейин такрорий экилган жўхорининг поя ҳосили назорат вариантыда 114,9 ц/га бўлса, Узгуми стимулятори билан уруғ экиш олдида 0,6-0,7 л/т, майсалашда 0,2 л/га, найчалашда 0,3 л/га ва рўваклашда 0,4 л/га меъёрларда ишлов берилганда 124,6-128,5 ц/га, Маъсуда стимулятори билан уруғига 2,0-4,0 л/т, майсалашда 6,0 л/га, найчалашда 9,0 л/га меъёрларда ишлов берилганда 122,5-123,4 ц/га поя ҳосили етиштирилган ва Узгумида 3,4-7,3 ц/га, Маъсуда стимулятори қўлланганда 1,3-2,2 ц/га қўшимча поя ҳосили олинган.

Кузги буғдойдан бўшаган майдонларга экилган жўхорида Узгуми ва Маъсуда стимуляторлари билан турли муддат ва меъёрларда ишлов бериш натижасида ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, нафақат поя балки дон ҳосили олишга ҳам эришилган. Жумладан, назоратда 17,8 ц/га, Узгуми стимуляторида 19,0-21,6 ц/га, Маъсуда стимулятори қўлланганда 20,7-20,8 ц/га дон ҳосили олинган ҳолда Узгуми таъсирида 1,1-3,8 ц/га, Маъсуда стимулятори таъсирида 2,9-3,0 ц/га юқори дон ҳосили етиштирилган.

Такрорий экилган жўхори дон ҳосили таркибидаги озиқа бирлиги назоратда 21,6 кг/га, Узгумида 23,9-25,8 кг/га, Маъсуда стимуляторида 24,5-24,9 кг/га, осон ҳазм бўладиган протеин миқдори назоратда 1,65 кг/га, Узгумида 1,82-1,97 кг/га, Маъсуда стимуляторида 1,87-1,90 кг/га тенг бўлгани ҳамда стимуляторлар қўлланганда озиқа бирлиги 2,2-4,2 кг/га, осон ҳазм бўладиган протеин миқдори 0,17-0,32 кг/га ортганлиги аниқланган.

Тажрибанинг назорат вариантыда жўхори дони таркибидаги оқсил миқдори 10,4%, крахмал 78,4% бўлса, Узгуми стимулятори билан ишлов берилганда оқсил миқдори 12,0-13,2%, крахмал 85,6-88,6%, Маъсуда стимулятори қўлланганда оқсил миқдори 11,5-11,6%, крахмал 84,8-87,5% ни ташкил этган ва Узгумида оқсил миқдори 1,8-2,8%, крахмал миқдори 9,2-10,2%, Маъсуда стимуляторида оқсил миқдори 1,1-1,2%, крахмал миқдори 6,4-9,1% назоратга нисбатан фарқ қилган ҳолда юқори сифатли дон ҳосили етиштиришга эришилган.

Такрорий экилган жўхорининг қолдирган илдиз ва анғиз қолдиқлари назорат вариантыда 23,9 ц/га бўлган ҳолда, Узгуми стимуляторида 26,4-27,9 ц/га, Маъсуда стимулятори билан ишлов берилганда 24,2-26,0 ц/га ни ташкил қилган ва 0,3-4,0 ц/га кўпроқ илдиз ва анғиз қолдиғи тўплангани аниқланган.

Диссертациянинг «Кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларида стимуляторларни қўллаш бўйича ишлаб чиқариш шароитидаги тажрибалар натижалари ҳамда иқтисодий самарадорлиги» деб номланган еттинчи бобида кузги буғдойдан кейин

такрорий экилган ғўза, кунгабоқар, соя ва жўхори экинларига турли стимуляторларни қўллаш бўйича кичик майдонларда олинган тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитида катта майдонларда синовдан ўтказилганда олинган натижалар ҳамда турли хил стимуляторларни такрорий экинларда қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги бўйича таҳлилий маълумотлар берилган.

Кузги буғдойдан кейин такрорий экилган ғўзага Оксигумат стимуляторини қўллаш технологияси Термиз тумани «Дўстлик» ширкат хўжалигини 5,0 га майдонида ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилган. Бунда, ғўзанинг ўсув даври охирида назорат вариантыда бўйи 90,2 см, кўсаклар сони 6,5 дона, шундан очилгани 3,4 донани ташкил қилган бўлса, Оксигумат стимулятори билан ғўзани шоналаш даврида 0,5 л/га ва гуллаш даврида 0,5 л/га меъёрида ишлов берилганда бўйи 92,2 см, кўсаклар сони 7,1 дона, очилгани 4,6 донага тенг бўлган ва назоратга нисбатан бўйи 2,0 см баланд, кўсаклар сони 0,6 дона, очилган кўсаклар сони 1,2 донага фарқ қилган. Ушбу даладан биринчи теримда 12,8 ц/га, иккинчи теримда 6,0 ц/га, жами 18,8 ц/га пахта ҳосили олинган ва назоратга нисбатан Оксигумат стимулятори қўлланилиши натижасида қўшимча 2,7 ц/га ҳосил етиштирилган.

Кузги буғдойдан бўшаган далаларга такрорий экилган кунгабоқар уруғига Гумимакс стимулятори билан 0,75 л/т, 3-4 жуфт барг даврида 0,4 л/га меъёрида ишлов бериш бўйича Музработ тумани Турдиев Ғайрат ф/х 3,0 га майдонда ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажрибада ниҳолларнинг униб чиқиши 85,7% ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 14,3% тезроқ униб чиққани аниқланган. Шунинг билан бирга кунгабоқарни ўсиши ва ривожланиши жадаллашиб, ўсув даври охирида бўйи 152,6 см, барглар сони 22,0 донани ташкил этган бўлса, назорат вариантыда бўйи 144,2 см, барглар сони 19,4 донага тенг бўлган. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш шароитида кузги буғдойдан кейин такрорий экилган кунгабоқар уруғига Гумимакс стимулятори билан 0,75 л/т ва 3-4 жуфт барг даврида 0,4 л/га меъёрида ишлов берилганда 19,4 ц/га ҳосил етиштирилган ва назоратга нисбатан 3,2 ц/га қўшимча ҳосил олишга эришилган.

Кузги буғдойдан кейин такрорий экилган сояга Узгуми стимулятори билан уруғга 0,6 л/т, 3-5 барг даврида 0,2 л/га, шоналаш даврида 0,3 л/га, гуллаш даврида 0,4 л/га ва Маъсуда стимулятори билан уруғга 3,0 л/т, 3-5 барг даврида 6,0 л/га, шоналаш даврида 9,0 л/га меъёрларда ишлов бериш бўйича ишлаб чиқариш шароитидаги тажриба Қизирик тумани Ражаббобо ф/х. нинг 3 га майдонида ўтказилган.

Таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш шароитида ҳам кичик майдонли тажрибаларда олинган натижаларга ўхшаш маълумотлар олинган. Жумладан, соя уруғларини экиш олдида Узгуми ва Маъсуда стимуляторлари билан ишлов бериб экилганда ниҳолларни униб чиқиши 69,0-73,5% ни ташкил этган ва назорат даласига нисбатан 6,0-10,5% юқори натижа олинган.

Такрорий экилган соянинг ўсиши ва ривожланиши Узгуми ва Маъсуда стимуляторлари таъсирида яхшилангани ўтказилган фенологик кузатувларда

қайд этилиб, бўйи 1,5-2,7 см баланд, ҳосил шохи 0,2-0,3 дона, дуккаклар сони 1,8-3,1 дона, бир ўсимликдаги дон вазни 0,7-1,7 г, бир ўсимликдаги дон сони 1,9-10,7 дона, 1000 дона дон вазни 3,0-4,8 г, дон ҳосили 2,2-3,1 ц/га ва поя ҳосили 1,9-2,6 ц/га юқори бўлгани аниқланган.

